

**“Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2025 йил якуни бўйича умумий йиғилиши
1-сонли баённомаси**

2026 йил 10 июн
соат 10-00

Самарқанд шаҳри, Зиёкорлар
кучаси 4 уй

Йиғилиш раиси: Ш.Исломов – кузатув кенгаши раиси

Иштирок этганлар: “Самарқанддонмахсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқарув аъзолари (рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

Жами овоз берувчи акциялар 331 677 (уч юз ўттиз бир минг олти юзи етмиш етти) дона. Йиғилишда иштирок этаётган 5 та акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 242 513 дона. Йиғилиш кворуми 73,11 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 77-моддасига мувофиқ, йиғилиш раислигига Ш.Исломов, котиблигига жамият молия ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи Э.Усмонов номзодлари таклиф этилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** бўйича, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун санок комиссиясини сайлаш, комиссия сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслигини маълум қилиб, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун санок комиссиясига қуйидаги таркибда номзодлар таклиф қилинди:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими
1	Қузиев Улуғбек Анарбаевич	Қишлоқ хужалиғи бўлими бош мутахассиси
2	Эргашева Наргиза Мукумовна	Ҳисобчи
3	Эргашев Шохрух Муҳаммад уғли	Тайёрлов бўйича ҳисобчи

Акциядорларнинг умумий йиғилиши президиумига уч кишидан иборат бўлган: йиғилиш раиси - кузатув кенгаши раиси Ш.Исломов, аъзолари - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А.Саттаров ва жамият бошқарув раиси Т.Худойбердиевлар номзодлари таклиф этилди.

Таклиф этилган номзодлар бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги **иккинчи масала**, яъни умумий йиғилишни кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 5 дақиқа, муҳокама учун 3 дақиқа ажратиш ва йиғилишни танафуссиз якунлаш таклифи берилди.

Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси ва ишчи президуми аъзоларини сайлаш;

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби ва регламентини тасдиқлаш;

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик молия ҳисоботини тасдиқлаш;

5. Жамият Бошқарув раисининг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес режанинг бажарилиши, йилнинг асосий натижалари ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш;

6. Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тўзилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2025 йил учун ўтказилган ташқи аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш масалалари бўйича ўринбосарини 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;

8. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилотнинг хулосасини тасдиқлаш;

9. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш;

10. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг котиби таркибини кўриб чиқиш, ва аъзоларини сайлаш;

11. Жамият бошқарув аъзоларини таркибини кўриб чиқиш, ва сайлаш;
12. Жамиятнинг 2026 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш;
13. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш;
14. 2026 йил учун маъқулланган Бизнес режасини тасдиқлаш;
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 22 декабрдаги 01/09-2-17/4340, 2026 йил 6 февралдаги 02/09-2-17/533 ҳамда 2026 йил 3 мартдаги 02/09-2-17/900 сонли хатлари тўғрисида.
16. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги иккинчи масала очик овоз орқали тасдиқланди ва таклиф бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан “Самарқанддон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси Ш.Исломов сўзга чиқиб, 2025 йил давомида 7 маротаба кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши ўтказилганлиги, ушбу йиғилишларда жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамда жамиятни янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинганлигини гапириб ўтди.

2025 йил давомида ҳар чорак якунлари бўйича кузатув кенгашининг йиғилишларида:

- Жамият бошқарув раисининг чораклар давомида бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори ижроси доирасида жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги ва асослилиги, жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор ҳисоботлари;

- Жамият ички аудит хизматининг чорак якунлари бўйича жамиятда амалга оширилган ишлар натижалари, иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати, молиявий ҳисоботларнинг белгиланган тартибда шакллантирилиши

тўғрисидаги ҳисоботлари ва жамият тафтиш комиссиясининг хулосалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида Низом”га асосан ташқи аудиторлик корхонасининг тегишли хулосасига кўра жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи СЙК 71,1 фоиз, яъни “етарли даражада эмас” баҳоланганини таъкидлади (кузатув кенгаши ҳисоботи ёзма равишда илова этилади).

Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Жамият бош ҳисобчиси К.Шербоев сўзга чиқиб “Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг 2025 йил якунлари бўйича молия ҳисоботи (бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги) ҳисоботи бўйича йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **бешинчи масалада** Жамият Бошқарув раисининг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес режанинг бажарилиши, йилнинг асосий натижалари ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш. Унда, 2025 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2026 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисидаги масала юзасидан жамият ижро органи раҳбари Т.Худойбердиев сўзга чиқиб, «Самарқанддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида 2025 йил давомида бизнес режа бўйича 84 млрд. 838,5 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми улгуржи нархда 79 млрд. 496,4 млн. сўмни, солиштирма нархда эса 75 млрд. 767,8 млн. сўмни ташкил этди. Бизнес режа бўйича ишлаб чиқарилиши кутилган маҳсулотлар 93,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати солиштирма нархларда 97,0 фоизни ташкил этди.

Бизнес режа бўйича 2025 йил давомида маҳсулотларни сотишдан соф тушум 138 млрд. 117,4 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда маҳсулотларни сотишдан соф тушум 59 млрд. 953,8 млн. сўмни ташкил қилди, режага нисбатан 43,4 фоиз. Сотилган маҳсулотлар таннархи 129 млрд.

976,7 млн. сўм режа қилинган бўлиб, ҳақиқатда 42 млрд 515,9 млн. сўмни ташкил қилди, бизнес режага нисбатан 32,7 фоиз.

“Самарқанддонмахсулотлари” АЖнинг 2025 йилга мўлжалланган Бизнес режасида 103,9 млн. сўм соф фойда олиш режаси белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 52,3 млн. сўм соф фойда олинди. Бизнес режага нисбатан соф фойда олиш режаси 50,4 фоизга бажарилди.

Ташқи аудитор хулосасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СЙК 71,1 (етарли даражада эмас) баҳоланганини эътиборга олган ҳолда, “Самарқанддонмахсулотлари” АЖ бошқарув раисининг 2025 йилда олиб борган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти якунлари бўйича бошқарув раисининг йилнинг асосий натижалари ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлаш учун овозга қуйилди. (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидagi бешинчи масалада тингланган ҳисобот бир овоздан тасдиқланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Кун тартибидagi олтинчи масала: Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тўзилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2025 йил учун ўтказилган ташқи аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш. Сўз навбати бош ҳисобчи К.Шербоевга берилди, у 2025 йил учун ўтказилган ташқи аудит текшириш натижаларини уқиб йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди.

Кун тартибидagi олтинчи масалага киритилган ҳисобот тасдиқланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Кун тартибидagi еттинчи масала юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПК-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини ишлаб чиқариш бўйича раис уринбосари З.Ибодов йиғилиш иштирокчиларга таништирди.

З.Ибодов 2025 йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагича берди:

2025 йил давомида турли хилдаги товар моддий бойликлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун принципларига амал қилинган ҳолда харид қилиниб, жамият балансига ким қилинган.

давомида жамият томонидан амалга оширилган харидлар кунлик 1С компьютер дастурига киритиб борилган, харидлар жараёни биржа

савдолари орқали ёки кооперация доирасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим қилинди.

Жамият томонидан 2025 йил 4 чорак давомида жами 408525 АҚШ доллари миқдорида корхонада импорт маҳсулотлари харид амалга оширилган ва жами 464572 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган.

- 2025 йил давомида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги **0,64** балл, яъни “Ўртача даража”да баҳоланганлигини йиғилиш иштирокчиларига билдирди.

Акциядорлар томонидан муҳокама қилинган ҳисобот овозга қўйиш таклиф қилинди (ҳисобот илова қилинади).

2025 йил якуни бўйича “Самарқандонмаҳсулотлари” АЖ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботи маъқулланди.

Еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** бўйича: Жамиятда 2025 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосасини куриб чиқилди;

Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2025 йил якуни бўйича “Javlon audit servis” МСНҲ мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни баҳолаш юзасидан берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинди мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни (қоникарли даражада) баҳоланган тўғрисида берилган хулосаси маълумот учун қабул қилинди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Ш.Исломов йиғилиш қатнашчиларини жамият ижро органи билан кўриб чиқилган таклифлар ва кузатув кенгаши тавсиясига асосан (кузатув кенгашининг 2026 йил 18 майдаги 8-сон баёни) қуйидаги тақсимот билан таништирди ва муҳокамага киритди:

Жамиятнинг 2025 йил молия хужалик фаолияти якунлари бўйича 52 327,0 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 50,0 фоизини (26 163,5 минг сўм) дивиденд тўловларига (бунда ҳар бир дона акция учун 78,72 сўм) тўлашга;

- 40,0 фоизи (20 930,8 минг сўм) модернизация ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;

- 5,0 фоизи (2 616,35 минг сўм) меҳнатни муҳофаза қилиш фондига;

- 5,0 фоизи (2 616,35 минг сўм) захира фондига йўналтирилсин.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан ушбу масала муҳокома қилинди ва акциядорлар томонидан келгуси йилларда корхонанинг соф фойдаси тақсимланишида акция учун кўпроқ фоизда дивидент ажратиш сўралди, сўнг раислик этувчи кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2014 йил 6 майдаги 370-сонли Қонунига асосан, “Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим” бўганлиги учун дивидендлар 2026 йил 10 июндан 2026 йил 8 августгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга юклатилди.

Куриб чиқилган кун тартибидаги тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши комиссиясига бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига 2026 йилга номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	Фамилия, исми ва шарифи	лавозими	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	Хасанов Пиримкул Рашидович	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили	261226 (92,8%)	йўқ	йўқ
2	Хайдаров Низамиддин Хамраевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	261226 (92,8%)	йўқ	йўқ

3	Исматуллаева Дилноза Рамизидиновна	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	261226 (92,8%)	йўқ	йўқ
4	Яхшибаев Сардор Хайитбоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили (2024 йилдан)	261226 (92,8%)	йўқ	йўқ
5	Тўраев Рахмонкул Юлдошевич	“Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили (2024 йилдан)	217414 (89,6%)	йўқ	йўқ
6	Исломов Шухрат Кадиорович	Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили (2025 йилдан)	217863 (89,8%)	йўқ	йўқ
7	Худойбердиева Чароз Гайбуллоевна	Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили (2025 йилдан)	217414 (89,6%)	йўқ	йўқ

Кузатув кенгаши аъзоси **Синдаров Азимжон Азамат угли** бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ваколатлати 2026 йил 6 июн кунидан тугатилганлиги инобатга олинди.

Кузатув кенгаши котиби этиб – Усманов Элёр Кабулович сайланди.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ва котиби 1 (бир) йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби иш жараёнида ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантирилади.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси Ш.Исломов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Жамиятнинг расмий веб сайтларда бошқарув лавозимиға эълон қилинган танловға таклифлар булмаганини эътиборға олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиғиға мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимиға уч йил муддатға ёлланиши ва у билан шу муддатға меҳнат шартномаси имзоланишини маълум қилди ва сўз давомида, “Самарқанддон-маҳсулотлари” АЖнинг 2026 йил учун бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари бўлган соф тушум, соф фойда ва даромадларни ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш шarti билан бошқарув раиси **Худойбердиев Тура Хасанович** билан меҳнат шартномасини вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида узайтирилишини билдирди.

Жамият бошқарув аъзоларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан жамият Уставининг 10.3-бандиға асосан жамиятнинг кундалик фаолиятиға раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи - бошқарув

раиси томонидан амалга оширилиши муносабати билан, жамиятнинг ижроия органини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилганлигини инобатга олиб, ушбу масалани кузатув кенгаши ваколати доирасида кўриб чиқилишини қолдириш таклифини киритди.

Сунг йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди:

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан, “Самарқанддон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятига 2026 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлари томонидан тушган таклифлар билан Ш.Исломов йиғилиш иштирокчилари таништирилди ва биттасини танлаш таклифи киритилди.

Танланган аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда 2026 молия йилининг хар чорагида аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан молиявий текшириш ва чораклик хулоса бериш кераклигини таъкидлаб утди.

Шунда 2026 йил давомида жамиятда аудитор текширувини ўтказиш учун “Javlon audit servis” МСНЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқланди ва хизмат хақи 30 000 000 сўм миқдорда белгиланди.

Жамиятнинг бош ҳисобчиси К.Шербоевга хар чоракда “Javlon audit servis” МСНЖ аудиторлик ташкилотига молиявий фаолиятни текширишда зарур булган ҳужжатларни тақдим этиш юклатилди.

Муҳокамадан ва фикр мулоҳозалардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн иккинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	Аудиторлик ташкилоти номи ва таклиф этилган хизмат хақи миқдори	Берилган овозар натижаси	
		Овоз	Фоиз
1	“Маслахатаудит-м” МСНЖ (хизмат хақи миқдори 55 000 000 сўм)	-	-
2	“Javlon audit servis” МСНЖ (хизмат хақи миқдори 30 000 000 сўм)	242513	100
3	“KOMIL-ISONCH” МСНЖ (хизмат хақи миқдори 60 000 000 сўм)	-	-

Кун тартибидаги ўн учинчи масала: “Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасида, Жамият томонидан 2025 йил 4 чорак давомида жами 408525 АҚШ доллари миқдорида корхонада импорт маҳсулотлари харид амалга

оширилган ва жами 464572 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинганлиги тўғрисида йиғилиш иштирокчиларга маълумот берилди (хисобот илова қилинади).

Хулоса маълумот учун қабул қилинди ўн учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала Жамиятнинг 2026 йил мулжалланган “Бизнес режаси”ни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масала бўйича кузатув кенгаши йиғилиш иштирокчиларини 2026 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси” билан таништирди.

Ушбу масалалар бўйича йиғилиш иштирокчиларининг билдирилган фикр ва таклифларини инобатга олиб 2026 йил мулжалланган “Бизнес режаси” тасдиқланди. (“Бизнес режа” илова қилинади)

Кун тартибидаги ўн туртинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн бешинчи масалада Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 22 декабрдаги 01/09-2-17/4340, 2026 йил 6 февралдаги 02/09-2-17/533 ҳамда 2026 йил 3 мартдаги 02/09-2-17/900 сонли хатлари йиғилиш иштирокчиларга таништирилди, ушбу хатлар жамиятни Устав ва Низомларига қушимчалар киритиш бўйича таклифлар маълумот ва ижро учун қабул қилишга юборилган. Йиғилиш иштирокчилари томонидан юқоридаги хатларда кўрсатиб ўтилган таклифларни инобатга олиш тавсияси берилди.

Таклифларни инобатга олиб кун тартибидаги ўн бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала қуйидагича: Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устав матни йиғилиш иштирокчиларга уқиб эштирилди. (янги таҳрирдаги Устав илова қилинади).

Мажлис иштирокчилари уз фикрларини билдириб Уставни маъқуллашди

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	242 513 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн олтита масала бўйича билдирилган таклифлар ва талабларни ҳамда санок комиссиясининг баённомасини инобатга олиб жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ умумий йиғилишнинг санок комиссияси аъзоларига қишлоқ хужалиги бўлими бош мутахассиси Кузиев Улуғбек Анарбаевич, ҳисобчи Эргашева Наргиза Мукумовна ва тайёрлов бўйича ҳисобчи Эргашев Шохрух Мухаммад уғиллари сайлансин.

Йиғилишнинг ишчи президиумига Исломов Шухрат Кадилович - йиғилиш раиси (Кузатув кенгаши раиси), Саттаров Абдулазиз Тугалович - (Давактив агентлиги ишончли вакили), Худойбердиев Тура Хасанович (жамият бошқарув раиси) ва котибликка Усманов Элёр Кабулович (молия ва иқтисод бўлими бошлиғи) сайлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

3. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖнинг 2025 йил фаолияти якунлари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин.

4. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖнинг 2025 йил якунлари бўйича молия ҳисоботи (бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот) тасдиқлансин.

5. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ бошқарув раисининг 2025 йилда олиб борган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти якунлари бўйича бошқарув раисининг йилнинг асосий натижалари ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2025 молиявий йил якунлари бўйича ташқи аудиторнинг ижобий хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПК-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2025 йил якуни бўйича “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2025 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив фаолиятни (қониқарли даражада) баҳоланганлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Жамиятнинг 2025 йил молия хужалик фаолияти якунлари бўйича **52 327,0 минг сўм** соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин, яъни:

- 50,0 фоизини (26 163,5 минг сўм) дивиденд тўловларига (бунда ҳар бир дона акция учун 78,72 сўм) тўлашга;

- 40,0 фоизи (20 930,8 минг сўм) модернизация ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга;

- 5,0 фоизи (2 616,35 минг сўм) меҳнатни муҳофаза қилиш фондида;
- 5,0 фоизи (2 616,35 минг сўм) захира фондида йўналтирилсин.

Дивидендлар 2026 йил 10 июндан 2026 йил 8 августгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимооти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга юклатилсин.

10. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖнинг 2026 йил фаолияти учун кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин, жумладан:

Хасанов Пиримқул Рашидович – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Хайдаров Низамиддин Хамраевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Исматуллаева Дилноза Рамизидиновна - Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Яхшибаев Сардор Хайитбоевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили;

Исломов Шухрат Кадирович – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Худойбердиева Чароз Гайбуллоевна – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Тўраев Рахмонқул Юлдошевич – “Хумо агро платинум” фермер хўжалиги вакили.

Кузатув кенгаши котиблигига **Усмонов Элёр Қобулович**.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ва котиби иш жараёнида ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилсин.

11. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖнинг 2026 йил учун бизнес-режасининг асосий кўрсаткичлари бўлган соф тушум, соф фойда ва даромадларни ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш шarti билан бошқарув раиси Худойбердиев Тура Хасанович билан меҳнат шартномасини вазифасини вақтинча бажарувчи сифатида узайтирилсин ва меҳнат шартномаси тузилсин.

Жамият бошқарув аъзоларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласи юзасидан жамият Уставининг 10.3-бандига асосан жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи - бошқарув раиси томонидан амалга оширилиши муносабати билан, жамиятнинг ижроия органини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилганлигини инобатга олиб, ушбу масалани кузатув кенгаши ваколоти доирасида кўриб чиқилиши учун қолдирилсин.

12. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖда 2026 молия йили бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан ҳар чоракда молиявий текшириш ва чораклик хулоса бериш шarti билан жамиятга аудитор текширувини ўтказиш учун “Javlon audit servis” МChJ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва хизмат ҳақи 30 000 000 сўм миқдорда белгилансин.

Жамият бош ҳисобчиси К.Шербоевга ҳар чоракда “Javlon audit servis” MChJ аудиторлик компанияси томонидан молиявий фаолиятни текшириш учун ҳужжатлар билан таъминлаш ва ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

13. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ харидлар жараёнини шаффофлиги, асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқчилигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

14. “Самарқанд дон маҳсулотлари” АЖ Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган 2026 йил учун мулжалланган “Бизнес-режаси” тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 22 декабрдаги 01/09-2-17/4340, 2026 йил 6 февралдаги 02/09-2-17/533 ҳамда 2026 йил 3 мартдаги 02/09-2-17/900 сонли хатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

16. Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди, жамият бошқарувининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ижобий фикр билдирди ҳамда келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб, умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2026 йил 17 июнда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби

Ш.Исломов

Э.Усмонов